# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №4

**Риштон тумани** **27 сентябр 2022 йил**

Амалдаги низомга асосан иш кўрувчи ***Риштон тумани Мактабгача таълим булими*** бундан буён ***Буюртмачи*** деб юритилувчи номидан ***М.Дадажонова*** биринчи томонидан, амалдаги низомга асосан иш кўрувчи **Осиё люкс таьмир МЧЖ** бундан буён ***Пудратчи*** деб юритилувчи номидан рахбар ***М. Мухаммадов*** иккинчи томондан куйидагилар тугрисида ушбу шартномани туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

**1.1. «Буюртмачи»** нинг топширигига кура **«Пудратчи»** ***Риштон тумани мактабгача таълим булимига тасарруфидаги Дахбет МФЙда жойлашган 20-сонли мактабгача таълим муассасаси*** биноси объектида **«Буюртмачи»** такдим этган смета лойиха хужжатлари асосида 20-**сонли ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини** олиб боради.

1.2.**«Пудратчи»** зиммасига уз материалларидан фойдаланиб курилиш ишларини бажарилишини, **«Буюртмачи»** эса шу ишларни кабул килиб олиш ва уларга хак тулаш мажбуриятини олади.

## 2. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ

2.1. Шартноманинг умумий бахоси кушимча киймат соликларини хисобга олган холда 205 741 921 (икки юз беш миллион етти юз кирик бир минг туккиз юз йигирма бир) сумни ташкил килади;

## 3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома буйича **«Буюртмачи** 205 741 921 (икки юз беш миллион етти юз кирик бир минг туккиз юз йигирма бир) сум пулни бюджет маблаглари хисобидан амалга оширади;

3.2. Шартномани тарафлар имзолаган кундан бошлаб 10 кун ичида олдиндан бажариладиган ишлар кийматининг 30 фоизи микдорида **«Пудратчи»** хисоб ракамига хак утказиб берилади;

3.3. **«Буюртмачи»** бажарилган ишларни **«Пудратчи»** томонидан Ф-2, Ф-3 хужжатларини тасдиклагандан сунг солиштирма далолатнома ва хисоб фактураларга асосан кабул килиб олади;

3.4. Шартнома буйича охирги хисоб китоб иш тулик тамомлангандан сунг ( бунга ишни кабул килиб олиш жараёнида аникланган камчиликларни бартарафэтишни хам кушиб) 15 кундан кечиктирмай **«Буюртмачи»** томонидан амалга оширилади.

## 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

4.1. **«Буюртмачи» «Пудратчи»** томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда хак тулаши махаллий бюджетдан мунтазам равишда маблаг ажратиб беришга боглик эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар хакини тулаб бериш муддати 6 (олти) ойгача чузилиши мумкин. Бу муддат бажарилган ишлар пудрат иши якунини махсус комиссия (Давлат комиссияси) томонидан кабул килиб олинган санадан хисобга олинади;

4.2. Мазкур шартнома икки томонлама тасдиклангандан сунг кучга киради ва шартнома 27 сентябрь 2022 йилдан 2022 йил «31» декабргача амал килади ва ишларни топшириш муддати 20 иш кун амалга оширилади.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**5.1. «Пудратчи»:**

5.1.1. Уз кучи ва воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тула хажмда ва муддатда бажарилиши ва тегишли лойиха хужжатларидаги холатда ишларни **«Буюртмачи»** га топшириши;

5.1.2. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни кабул килиш, тушириш, тахлил хамда саклашни амалга ошириш;

5.1.3. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб килинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларни тузгани тугрисида **«Буюртмачи»** га ахборот бериши ва у томонидан ишларнинг бажарилиш юзасидан назоратни таъминлаши;

5.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни куриклаш буйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши

5.2. **«Буюртмачи»**:

5.2.1. Календар иш режасида белгиланган хажмда ва муддатда объектни **«Пудратчи»** га топшириши;

5.2.2. Ушбу шартноманинг 1-булимида назарда тутилган ишларга, шартномада белгиланган микдорда ва муддатда **«Пудратчи»** га хақ тулаши;

5.2.3. **«Пудратчи»** дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб икки хафта ичида объектни кабул килиши шарт.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. **«Буюртмачи»** бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан кабул килингандан бошлаб 6 ойгача хакни тулаб бермаса, кечиктирилган хар бир кун учун бажарилган ишнинг 0,4% микдорида пеня тулайди.

6.2. **«Пудратчи»** шартнома шартларини бузса, белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса, кечиктирилган хар бир кун учун кузда тутилган ишнинг 0,5 % микдорида пеня тулайди;

6.3. Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50 % дан ошмаслиги лозим.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Тарафларнинг бирортаси хам бошка тарафнинг олдида ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиши ёки бартараф этиши мумкин булмаган ва холатлар, бунга кушиб уруш эълон килиниши ёки амалда бошланганлиги, фукаролик тартибсизлиги, сув босиши, ёнгин ва бошка табиий офат билан боглик холда бажармаганликлари учун жавобгар булмайди;

7.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Узбекистон Республикаси хукуматининг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги булиб хисобланади.

7.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятини бажаришга, унинг таъсир курсатиши ёки монеълик килиши тугрисида бошка тарафа имкон кадар тезда хабар бериши лозим;

7.4. Агар бартараф килиб булмайдиган кучлар уч ой давомида мунтазам таъсир этаётган булсада тугаш белгилари аникланмаса, **«Буюртмачи»** «**Пудратчи**» бошка тарафга хабар бериш йули билан ушбу шартномани бекор килишлари мумкин.

## 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Тарафлар уртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан боглик пайдо буладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар уртасида музокара йули билан хал килинади;

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йули билан хал килиб булмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик судида курилишга тегишли булади.

## 9. ШАРТНОМАГА КУШИМЧА ВА УЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномага хар кандай киритилган кушимча ва узгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзолаган холлардагина хакикий кучга эга булади;

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Узбекистон Руспубликасининг амалдаги Фукаролик Кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асосдор буйича, етказилган зарарларни коплаш билан амалга оширилиши мумкин;

9.3. «**Буюртмачи**» куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

- «**Пудратчи**» нинг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни Ушбу шартномадаги ишларнинг тамом булиш муддати бир ойдан купга ошиб кетганда;
- «**Пудратчи**» нинг шартнома шартларини бузиш натижасида курсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

9.4. «**Пудратчи**» куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

- «**Буюртмачи**» томонидан «**Пудратчи**» га боглик булмаган сабаблар буйича курилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошмаган муддатга тухтатиб турганда;
- «**Буюртмачи**» томонидан лойиха хужжатларига узгартиришлар киритиши билан боглик холда ишларнинг бахоси 20%идан купга камайганда;
- «буюртмачи» томонидан кейинчалик курилишни молиялаш имконияти йукотилганда.

9.5. **«Буюртмачи»** ва **«Пудратчи»** нинг биргаликдаги карори буйича шартнома бекор килинганда, . **«Буюртмачи»** га тугатилмаган курилиш топширилади. . **«Буюртмачи»** эса

**«Пудратчи»** га улар томонидан аникланган бажарилган ишларнинг хажми кийматини тулайди.

9.6. Шартномни бекор килишга карор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 10. БОШКА ШАРТЛАР

10.1 Объектлар ва унга кирувчи инженерлик тизимлари, жихозлар, материаллар хамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати, унинг учинчи шахслар тарафидан кузларган ниятда шикаст етказган холлари бундан истисно килинади, объектни кабул килиш тугрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вактдан бошлаб 1 ой давомида белгиланади;

10.2. Агар объектнинг кафолатланган фойдаланиш давомида унинг меъёрида фойдаланишга йул бермайдиган камчиликлари аникланса, кафолат муддати улар бартараф килгунга кадар булган вактгача узайтирилади:

10.3. Камчиликларнинг мавдужлиги ва уларни бартараф килиш муддатлари **«Пудратчи»** ва **«Буюртмачи»** нинг икки томонлама далолатномасида акс эттирилади.

10.4. Агар **«Пудратчи»** аникланган камчиликлар далолатномасида курсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг, бунга жихозларни хам кушиб, камчиликларни бартараф килмаса, уларни **«Буюртмачи»** бошка бошкарувчининг кучи билан харажатларни **«Пудратчи»** тулаши оркали бартараф килишга хакли;

10.5. **«Пубратчи»** аникланган камчиликлар тасдиклаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда, Буюртмаси малака экспертизасини тайинлайди экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини , буюртмаси малака экспертизасини тайинлайди экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш буйича тегишли далолатнома тузади хамда тарафни мазкур масала буйича хужалик судига мурожат килиш хукукини истисно килмайди.

10.6. **«Пудратчи»** курилиш объектининг лойиха хужжатларини ёки унинг ажралмаси кисимларини **«Буюртмачи»** нинг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга сотиш ёки бериш хукукига эга эмас.

10.7. **«Пудратчи»** нинг айби билан объектни куриш натижасида учинчи шахсларга етказилган зарар **«Пудратчи»** томонидан **«Буюртмачи»** нинг айби билан булса **«Буюртмачи»** томонидан товон туланади. **«Пудратчи»** барча холларда, хатто тегишли харажатларни **«Буюртмачи»** коплаган такдирда хам етказилган зарарни тугатиш учун тезкор чораларини куради.

10.8. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган, икки нусхада тузилган.

10.9. Тарафларнинг хохишлари буйича бошка шартлар. Ушбу шартнома Ғазначилик булинмаси руйхатидан утгандан сунг конуний кучга эгадир.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Пудратчи»**
**Осиё люкс таьмир МЧЖ**
**Манзили:Риштон тумани, Окйер**

**х/р:20208000400418815001**
**МФО: 00795**
**ИНН:303123414**
_____________________________

**ОКОНХ _____**

**Рахбар:__________ М. Мухаммадов**
**М.У.**

"OSIYO LYUKS TA'MIR"

**«Буюрмачи**
**Риштон тумани МТБ**

**Манзили: Риштон тумани**
**ШХР:10002286030224709110025103**5
**ИНН:305154421**
**ОКОНХ:__________**
**Молия вазирлиги Ягона Ғазна х/в**
**ИНН 201122919 МФО 00014**
**Марказий банк Тошкент ш. ХККМ**
**х/р 23402000300100001010**

**Рахбар:______________М.Дадажонова**
**М.У.**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Риштон туман Мактабгача таълим**

**бўлими мудири**

**_______М.Дадажонова**

« 27 »сентябрь 2022 йил №__6__сон

**Риштон тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 20-сонли ДМТТ** биносини жорий таьмирлаш. Бинони жорий таьмирлаш бюджет маблағлари хисобидан жорий таъмирлаш учун ўтказилган электрон эълон натижалари тўғрисида

***Раислик қилувчи:*** комиссия раиси: ______________ М.Дадажонова

Қатнашдилар: 1.______________ А.Авдопов

2. ______________ В. Хайдаров

3. ______________ Б.Каримов

4.______________ Я. Хайдаров

**Йиғилиш кун тартибида кўриладиган масала:**

**Риштон тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 20-сонли ДМТТ** биносини жорий таьмирлаш. Бинони жорий таьмирлаш бюджет маблағлари хисобидан жорий таъмирлаш бино учун ўтказилган электрон элон натижалари тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан **Риштон тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 20- сонли ДМТТ** биносини жорий таьмирлаш. Бинони жорий таьмирлаш бюджет маблағлари хисобидан жорий таъмирлаш бино учун ўтказилган электрон эълонга раислик қилувчи М.Дадажонова сўзгачиқиб, ушбу элон ЎзбекистонРеспубликасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонун асосида шаффоф ва хаққоний ўтканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат

харидлари тўғрисидаги Қонунинг 62-модда 7-хат бошида кўрсатилганидек, Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилиши лозим эканлигини яна бир бор такидлаб ўтди. Муҳокама муддати якунига етгандан сўнг бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олган ҳолда йиғилиш хайъати:

**Қарор қилади:**

1. Муҳокамама муддати якунига қадар бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб,"Осиё люкс таьмир" МЧЖни йиғилиш хайъати ғолиб деб элон қилсин.

2. Ғолиб деб топилган қатнашчи " Осиё люкс таьмир " МЧЖ билан қонунчиликда белгиланган тартибда шартномаларни расмилаштириб, маблағларни тўлаб бериш чоралари кўрилсин.

Комиссия раиси: ____________ М.Дадажонова

Комиссия азолари: ____________ А.Авдопов
Комиссия азолари: ____________ В. Хайдаров
Комиссия азолари: ____________ Б.Каримов
Комиссия азолари: ____________ Я. Хайдаров

OV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: XH5646668803

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ XH5646668803

1. Loyihaning turi: ShARTNOMA № 4

2. Loyihani
ng nomi: **PUDRAT SHARTNOMASI**

Umumiy summasi 205 741 921 (ikki yuz besh million yetti yuz kirik bir ming tukkiz yuz yigirma bir) so'm bo'lgan Rishton tumani maktabgacha ta'lim bo'limiga tasarrufidagi Daxbet MFYda joylashgan 20-sonli maktabgacha ta'lim muassasasi binosi ob'ektida «Buyurtmachi» takdim etgan smeta loyixa xujjatlari asosida 20-sonli DMTT binosini joriy tahmirlash ishlarini olib borish yuzasidan Osiyo lyuks ta'mir MCHJ bundan buyon pudratchi deb yuritiluvchi nomidan raxbar M.Muxammadov va «Rishton tuman Maktabgacha Ta'lim bo'limi» o'z Nizomi asosida faoliyat yurituvchi raxbar M.Dadajonova buyon Buyurtmachi deb yuritiluvchi o'rtalarida tuzilgan shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:
Shartnoma loyihasi Osiyo lyuks ta'mir MCHJ tomonidan ishlab chiqilgan va Rishton tuman Maktabgacha Ta'lim bo'limi tomonidan markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 22.09.2022 yilda kiritgan.

4. Loyiha bo'yicha taklif:
Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

**XULOSA:**

Loyiha O'zbekiston Respublikasining 20.08.1998 yilgi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" gi qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Budjet kodeksining 122-moddasi 8-bandi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **D.R.Aliboyev**